

ХАБАРЛАР

АҚШ ва Эрон ўртасида янгиланган тўқнашувлар ортидан нефт нархи ошди

дақиқа аввал



АҚШ ва Эрон ўртасида янгиланган жанговар тўқнашувлар нефт нархларининг яна ўсишига сабаб бўлди.

Ўтган дам олиш кунлари томонлар ўртасида ҳужумлар ва қарши ҳужумларнинг янги босқичи кузатилди.

Техрон Қатар ва БААга қарши зарбаларни кенгайтирган бўлса, АҚШ Эронга қарши янги ҳужумларни амалга оширди.

Шунинг натижасида халқаро эталон ҳисобланган Brent нефти нархи душанба куни Осиё бозорларида тушдан кейинги вақтга келиб тахминан 4 фоизга кўтарилди.

Ҳозир барчанинг диққати Ҳормуз бўғозида вазият қандай ўзгаришида қолмоқда. Уруш бошланишидан олдин мазкур сув йўли орқали дунё нефт ва газ ташувларининг бешдан бир қисми ўтар эди.

Якшанба куни АҚШ президенти Дональд Трамп муҳим стратегик сув йўли тижорат қатнови учун очиқ эканини маълум қилди.

Бироқ Эрон аввалроқ Ҳормуз бўғози ёпилгани, бу рухсат этилмаган йўналиш бўйлаб ҳаракатланган кемага зарба берилганидан кейин бўлганини эълон қилган эди.